Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

https://adolat24.uz/ t.me/Gazeta_Adolat

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA № 45 (1613) 2026-YIL 13-NOYABR, JUMA

...Келгуси йилдан Ўзбекистон Оролни қутқариш халқаро жамғармасига раислик қилади. Трансчегаравий ҳавзаларни бошқаришдек масъулиятли вазифани юқори савияда амалга оширишга тайёрмиз. Шу билан бирга, ерларни кенг кўламда қайта тиклаш ишларини олиб боряпмиз. Мамлакатимизда ўрмонлар майдони олти миллион гектарга кўпайтирилди, унинг учдан бир қисми Оролбўйи ҳудудига тўғри келади.

... Иқлим муаммоларига ҳеч бир давлат ёлғиз ҳолда ечим топа олмайди.

Марказий Осиёда музликларнинг эриши, сув танқислиги, қурғоқчилик каби хатарларнинг кўлами ортмоқда. Умумий таҳдидлар минтақа давлатларидан муштарак ҳаракатларни талаб қилади. Шу боис, Марказий Осиёнинг Иқлим интеграцияси моделини ривожлантириш ташаббусини илгари сурамиз. Ушбу ҳамкорликни учта асосий йўналишдан бошлашни таклиф қиламан. Биринчиси – ахборот йўналиши. Иккинчиси – технологик йўналиш. Учинчиси – молиявий йўналиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли конвенцияси томонлари конференциясининг 31-сессиясидаги нутқидан



ҚУРУВЧИ МАСЪУЛИЯТИ ВА БОШЛАНГАН ЛОЙИҲАЛАРНИНГ ТАҚДИРИ: ҚОНУН НИМАНИ БЕЛГИЛАЙДИ?

Муҳаммаджон ВАЛИЕВ,
партия фракцияси раҳбари ўринбосари

Уй-жой қурилиши соҳасида фуқаролар маблағларини қонунга хилоф равишда жалб қилиш, шартномаларни белгиланган тартибда расмийлаштирмаслик каби ҳолатлар жиддий ҳуқуқий оқибатларга сабаб бўлиши керак.

Қонунчилик палатасида қабул қилинган ва Сенатга юборилган қонун билан Жиноят кодексига киритилаётган 188²-моддада қонунда белгиланган шакл ва тартибдан ташқари усулда фуқароларнинг пул маблағларини жалб қилиш ёки шартномани давлат рўйхатидан ўтказмаслик учун жавобгарлик назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, қурувчилар ва девелоперлар масъулиятини кучайтириш бўйича аввал қабул қилинган қонунлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, 2026-йил 28-сентабрдаги қонун билан кўп квартирали уйларни рухсатномасиз қурганлик учун БҲМнинг 450 бараваригача жарима ва такроран содир этилганда, жиноий жавобгарлик белгиланди. 2 ноябрдаги қонун эса қурилиш жараёнига мансабдан фойдаланиб қонунга хилоф аралашганлик учун маъмурий, такроран содир этилганда жиноий жавобгарликни назарда тутади. Шунингдек, 14 июлда Қонунчилик палатаси қабул қилган қонун билан фойдаланишга қабул қилинмаган кўп квартирали уйларга фуқароларнинг кўчиб киришига йўл қўйганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Бироқ янги қоидаларни жорий этишда аввал бошланган қурилишларнинг тақдири ҳам эътибордан четда қолмаслиги даркор. Шу сабабли, 79-моддага қонун кучга кирганидан кейин қурилишига рухсат олинган обьектларга нисбатан янги механизмлар татбиқ этилишини белгиловчи норма киритилди. Бу амалдаги лойиҳаларнинг тўхтаб қолиши хавфини камайтиришга қаратилган.

Бу ерда қонуннинг мақсади фақат қурувчиларга нисбатан жавобгарликни кучайтириш эмас. Асосий вазифа – фуқаролар маблағларини қонуний механизмлар орқали ҳимоя қилиш, соҳа фаолиятининг очиқлигини таъминлаш ва уй-жой қурилишида барча иштирокчилар учун аниқ қоидаларни белгилашдир.

Унутмайликки, уй-жой бозорида ишонч бўлиши учун фуқаро ҳам, қурувчи ҳам қонун билан белгиланган талабларга амал қилиши шарт. Ана шу талабларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси эса қабул қилинган қонунда ўз ифодасини топмоқда.

“БУЮК ЭЛГА ЭНДИ ДАҲОЛАР КЕРАК”

Ниятларимиз юксак. Истеъдодли халқмиз. Бироқ энди, янги замон шиддатига салоҳиятнинг ўзигина етарли бўлмай қолаяпти. Шоиримиз Эркин Воҳидов айтганидек, иқтидорлари етарли “Буюк элга энди даҳолар керак!”

Даҳолар бешиги эса, шубҳасиз, мактаб, мактаб ва яна мактабдир. Бу ҳаёт ҳақиқатини, юксалиш аксиомасини асло унутмайлик, унга оғишмай амал ҳам қилайлик.



5

КОРАБАЙИР ОТЛАРИ – табиат мўъжизаси ва миллий мерос тимсоли



6

ҲАЛОЛЛИК БОР ЖОЙДА коррупцияга ўрин йўқ



“АДОЛАТ” СДП ТАШАББУСИ БИЛАН ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 9-20 НОЯБРЬ КУНЛАРИ РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ “ҲАЛОЛЛИК МАРАФОНИ: 3 СОҲА – 1 ТАМОЙИЛ” НОМЛИ КЕНГ ҚАМРОВЛИ ТАРҒИБОТ АКЦИЯСИ ЎТКАЗИЛМОҚДА.

2

Депутат ва сайловчи



МУЛОҚОТЛАР ДАВОМИДА МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ТОПИЛМОҚДА

Аввал хабар берганимиздек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиямиз депутатларининг ҳудудлардаги ўрганишлари сайловчилар томонидан кўтарилаётган коммунал, маиший, ижтимоий ва ҳуқуқий муаммоларга ечим топиш, давлат дастурлари ҳамда “Ташаббусли бюджет” лойиҳалари ижросини назорат қилишда муҳим аҳамият касб этди. Буни Андижон, Хоразм, Фарғона, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида олиб борилган мониторинг-таҳлил тадбирлари мисолида кўриш мумкин.

3

АЧЧИҚ ВА ОЧИҚ ҲАҚИҚАТ: коррупциянинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга салбий таъсири

2-мақола

... Коррупция ҳуқуқ товарга айланган жойдан бошланади. Қачонки болалар боғчасидаги ўрин, шифокорнинг ташхиси, имтиҳондаги баҳо ёки суд қарори ўз нархига эга бўлар экан, инсон энг муҳим нарсасини – давлат пул тўлай оладиганларга эмас, балки айнан унга хизмат қилишига бўлган ишончини йўқотади.

4

ИБН СИНО НОМИДАГИ ОРДЕН ТАЪСИС ЭТИЛИШИ

СОҲА ВАКИЛЛАРИ УЧУН МАЪНАВИЙ РАҒБАТ БЎЛАДИ

Президентимиз Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари кунига бағишланган байрам табригида “Янги Ўзбекистонга – янги ва замонавий тиббиёт” деган эзгу ғоя асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари ҳамда шифокор-ҳамшираларнинг фидойи меҳнатини алоҳида эътироф этди.

Албатта, бунинг замирида аҳоли саломатлигини асраш-дек энг олижаноб ва масъулиятли вазифани зиммасига олган минглаб фидойи инсонларга бўлган юксак ҳурмат ва эътибор, уларнинг машаққатли меҳнатига билдирилган чуқур эҳтиром мужассам.

Айниқса, инсон ҳаёти ҳар қандай бойликдан устун эканини англаган ҳолда, ўз касбига садоқат билан хизмат қилаётган мутахассисларга катта қувонч, маънавий мадад ва янги масъулият бағишлайди. Айни шу нуқтаи назардан, уларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш, касб байрами мақоми ва мазмунини янада юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар алоҳида аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, аҳолига янада яқинлаштириш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами имкониятларини кенгайтириш, ихтисослаштирилган тиббий хизматларни ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда, замонавий диагностика ва даволаш технологиялари жорий этилмоқда, жараёнлар босқичма-босқич рақамлаштирилмоқда.

Бундай ислоҳотларнинг асосий мақсади ҳар бир фуқарога яшаш жойидан қатъи назар, сифатли ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятини яратишдир. Бу эса нафақат замонавий инфратузилма ва илғор технологиялар, балки билимли, тажрибали, ўз касбига садоқатли мутахассисларни ҳам талаб этади. Шу боис, тиббиёт таълимини такомиллаштириш, ёш кадрларни тайёрлаш, шифокорларнинг малакасини ошириш, илмий изланишларни қўллаб-қувватлаш ва соҳага замонавий билимларни кенг жорий этиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Президентимиз табригида тиббиёт соҳасида юксак натижаларга эришган, ўз касбига садоқат ва фидойилик билан хизмат қилиб келаётган мутахассисларни рағбатлантириш масаласига ҳам алоҳида урғу берилгани эътиборга молик. Хусусан, буюк аллома, тиббиёт илмининг асосчиларидан бири Абу Али ибн Сино номидаги орденни таъсис этиш таклифининг илгари сурилиши соҳа вакиллари учун катта маънавий рағбат бўлади.



Тоҳир ПОЛВОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси

Биламизки, Абу Али ибн Сино номи нафақат халқимиз, балки бутун инсоният тарихида тиббиёт илми, илм-фан ва маърифат рамзи сифатида алоҳида ўрин тутади. Ушбу улуғ аллома номи билан аталадиган орденни таъсис этиш таклифи тиббиёт ва фармацевтика соҳасида алоҳида хизмат кўрсатган, инсон саломатлиги йўлида кўп йиллик самарали меҳнат қилган мутахассисларни муносиб эътироф этишга қаратилган муҳим ташаббусдир.

Бундай юксак эътироф, айниқса, чекка ҳудудлар, олис қишлоқлар, оғир ва мураккаб шароитларда фаолият юритаётган шифокорлар, ҳамширалар ва бошқа тиббиёт ходимлари учун ҳам муносиб рағбатдир. Чунки уларнинг меҳнати кўп ҳолларда кўзга ташланмаслиги мумкин, аммо натижаси инсон ҳаёти, оила бахти ва жамият саломатлигида намоён бўлади.

Фармацевтика соҳасини ривожлантириш ҳам бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Аҳолини сифатли, хавфсиз ва самарали дори воситалари билан таъминлаш, маҳаллий саноатни қўллаб-қувватлаш, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, соҳада илмий тадқиқотларни ривожлантириш аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, фармацевтика ходимларининг меҳнати эътироф этилаётгани айни муддао.

Бу янада масъулият билан меҳнат қилиш, билим ва тажрибани оширишга, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишга ундайди. Шу билан бирга, зиммамизга соҳа олдида турган вазифаларни самарали ҳал этиш, тиббий хизмат сифатини ошириш ва инсон саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги ишларимизни изчил давом эттириш масъулиятини ҳам юклайди.

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ “АДОЛАТ” САФИДА БИРЛАШМОҚДА



Партия сафининг кенгайиши – унинг ғоя ва мақсадларига бўлган ишонч, қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик фаоллигининг асосий кўрсаткичидир.

“Адолат” СДП Тўрақўрғон тумани кенгаши ҳамда тиббиёт бирлашмасидаги бошланғич партия ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган байрам тадбири фаоллик ва бирдамлик руҳида ўтди.

Қувонарлиси, шу кунга қадар 101 нафар аъзони бирлаштириб келган бошланғич партия ташкилоти сафига яна 19 нафар янги хайрихоҳ қўшилди. Натижада уларнинг сони 120 нафарга етди. Бу эса партия ғояларини қўллаб-қувватлаётган, юрт равнақи ва жамият тараққиётига дахлдорлик ҳисси билан яшаётган партиядошлар тобора кўпайиб бораётганидан далолатдир.

Тадбирда “Адолат” СДП вилоят кенгаши раиси Исроилжон Жўраев иштирок этиб, бошланғич партия ташкилоти фаолияти билан танишди, партия аъзоси бўлган шифокорлар билан мулоқот қилди. Тиббиёт ходимларини касб байрам билан табриклаб, инсон саломатлиги йўлидаги машаққатли ва масъулиятли меҳнатларига юксак баҳо берди.

Байрам муносабати билан фаол аъзоларга совғалар топширилди. Шунингдек, партия сафини кенгайтириш, бошланғич ташкилотлар фаолиятини ривожлантириш ва янги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш борасидаги самарали меҳнати учун партия туман кенгаши раиси Заҳрохон Аҳмедовага миннатдорлик билдирилди.

Наманган вилоят кенгаши матбуот хизмати

Тарғибот акцияси

“Адолат” СДП ташаббуси билан жорий йилнинг 9-20 ноябрь кунлари республика бўйлаб **“Ҳалоллик марафони: 3 соҳа – 1 тамойил”** номли кенг қамровли тарғибот акцияси ўтказилмоқда. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Таълим ва илм-фан вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилаётган тадбирлар жамоатчиликда қизиқиш уйғотяпти.

ҲАЛОЛЛИК БОР ЖОЙДА коррупцияга ўрин йўқ



Сергели Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумидаги давра суҳбати шулардан бири бўлди. Унда партия Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдукамол Раҳмонов, ўқув муассасаси директори, профессор Собир Турсунов, шунингдек, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси мутасаддилари, маҳалла “еттилиги” вакиллари, ички ишлар органлари ходимлари, маҳаллий кенгаш депутатлари ва фаол ёшлар иштирок этишди.

Мулоқотда соҳаларда коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш ва жамоатчилик назоратини кучайтириш масалалари муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, “Адолат” СДПнинг 2024-2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида ҳам жамиятда ҳалоллик муҳитини қарор топтиришга қаратилган 8 та устувор вазифа белгилаб берилган.



Давра суҳбатида таълим муассасаларида ҳуқуқий тарбияни кучайтириш, ўқув дастурларини такомиллаштириш ҳамда бўлажак мутахассисларнинг касбий масъулиятини ошириш зарурлиги таъкидланди. Соғлиқни сақлаш тизимида антикоррупция хизмати фаолиятини самарали ташкил этиш ва комплаенс назоратини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, ёшларнинг таклиф ва ташаббуслари тингланди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Сенат мажлисида тақдим этилган 2025 йил якунларига оид ҳисоботларга кўра, йил давомида коррупциявий жиноятлар натижасида давлат манфаатларига 2,9 триллион сўмдан ортиқ моддий зарар етказилган ва бу ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ ҳолатлар бўйича 7 517 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилган.

Шу билан бирга, “Transparency International” халқаро ташкилотининг 2025 йил якунлари бўйича Коррупцияни қабул қилиш индекси (CPI) натижаларига кўра, Ўзбекистон 182 та давлат орасида 124-ўринни эгаллаган ва мамлакатнинг коррупцияга қарши курашиш кўрсаткичи 100 балл-дан 31 баллни ташкил этган.

Таққослаш учун, Ўзбекистон 2016 йилги ҳисоботда 21 балл билан 156-ўринда қайд этилган эди. Ушбу ўзгаришларни сўнгги ўн йилликда коррупция хавфини камайтириш борасида амалга оширилган тизимли ислоҳотлар натижаси сифатида баҳолаш мумкин.



Адолатли муҳитни шакллантириш ҳар бир фуқаронинг фаол позицияси ва коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатидан бошланади. **“Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамиятида** бўлиб ўтган мулоқотда айни шу ғоя илгари сурилди.

Партия Сиёсий Кенгаши раҳбарияти, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари, Судьялар ассоциацияси вакиллари ва соҳа мутасаддилари иштирок этган тадбирда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун ижросига мувофиқ, давлат органлари ва ташкилотларида, шу жумладан тиббиёт муассасаларида комплаенс (ички назорат) хизматларининг мустақиллигини таъминлаш, хавф-хатарларни барвақт аниқлаш механизмлари атрофлича муҳокама қилинди.

Сўзга чиққанлар бу фақат масъул ташкилотларнинг вазифаси эмас, ҳар бир фуқаронинг умумий бурчи эканини эътироф этдилар.

“Адолат” СДП Матбуот хизмати

Обуна-2027

Газета ўқиладиган хонадонда МАЪРИФАТ ЮКСАЛАДИ

Бугун ахборот технологиялари жадал ривожланиб, янгиликлар бир зумда дунё бўйлаб тарқалаётган даврда босма нашрларнинг ҳам ўз ўрни ва қадри бор.

Зеро, у инсонни мушоҳадага чорлайдиган, дунёқарашини бойитадиган, жамиятдаги жараёнларга теранроқ назар ташлашга ундайдиган маънавий минбар саналади. Бу фикрни фахрий педагог, партиянинг Бувайда тумани кенгаши раиси Хайрулла Турғуновнинг газетхонликка бўлган муносабатида ҳам кўриш мумкин.

– *“Adolat” газетасини доимий равишда ўқийман. Кейинги йилларда нашр саҳифаларида ёритилаётган долзарб мавзулар, сиёсий-ижтимоий жараёнлар, мамлакатимиздаги ислоҳотлар ва жамият ҳаётига дахлдор мақолалар ўқувчини бефарқ қолдирмаяпти. Уларни ўқиб, яқинларимиз билан фикр алмашяпмиз, муҳокама қиляпмиз. Менимча, газетанинг энг катта устунлиги ҳам шунда – у инсонни ўйлаш, таҳлил қилиш ва ўз муносабатини билдиришга ундайди. Газета ўқиладиган хонадонда маърифат юксалади,* **– дейди Хайрулла Турғунов.**

Унинг фикрича, босма нашрларга обуна бўлиш мутолаа маданиятини қўллаб-қувватлаш, холис журналистика ва таҳлилий материаллар қадрини ошириш, демак. Айни шу мақсадда Хайрулла Турғунов тумандаги партия фаоллари ва ҳамкорлари ўртасида “Adolat” газетасини кенг тарғиб қилмоқда. Натижада бугунги кун ҳолатига 40 дона газета учун 1 йиллик обуна расмийлаштирилди. Маълумотга кўра, ўтган йили туманда мазкур кўрсаткич 89 тани ташкил этган. Партия фаоли йил якунигача “Адолат” муштарийлари сафига 100 нафардан ошиқ бувайдалик қўшилишига ишонч билдирмоқда.

Бу, албатта, оддий обуна кампаниясидан кўра кенгроқ маънога эга. Бу – мутолаага ҳурмат, сиёсий саводхонликка эътибор ва жамият ҳаётидаги ислоҳотларга дахлдорлик ифодасидир.

Фарғона вилояти кенгаши матбуот хизмати

ТАҲРИРИЯТДАН: Дарҳақиқат, Бувайда туман кенгашининг саъй-ҳаракатлари билан ҳудудда “Adolat” газетасининг обуначилари сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Биз бундай эътибор ва ишонч учун барча партиядошларимиз, хусусан, туман кенгаши раиси Хайрула Турғуновга миннатдорлик билдирамиз. Қанийди, бошқа туман кенгашлари ҳам шундай фаоллик кўрсатишса...



МУЛОҚОТЛАР ДАВОМИДА

МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ТОПИЛМОҚДА



АНДИЖОН ВИЛОЯТИ: ХЎЖАОБОДДА ТИРБАНДЛИК ВА СУВ МУАММОСИ БАРҲАМ ТОПДИ

Партия фракцияси аъзоси Гулнора Абдувоҳидованинг Хўжаобод туманидаги ўрганишлари фуқароларни кўпдан буён қийнаб келаётган маиший ва инфратузилма масалаларини жойида бартараф этишга қаратилди.

Хусусан, “Тўраобод” маҳалласида аҳоли истеъмол учун яроқлилик даражаси номаълум бўлган булоқ ва қудуқ сувларидан фойдаланиб келаётгани аниқланди. Депутат туман Сув таъминоти корхонаси масъулларини жалб этган ҳолда намуналарни лаборатория текширувидан ўтказди ҳамда ҳудудга тоза ичимлик сувини узлуксиз етказиб бериш бўйича келишувга эришди.

Шунингдек, янги қурилаётган логистика маркази олдида юк машиналари сабабли юзага келаётган тирбандлик масаласи ҳам ижобий ечим топди – транспорт воситаларининг вақтинча тўхтаб туриши учун марказ ҳудудидан махсус майдон ажратилди. “Бадавлат” кўчасида эса томорқаларни суғориш тизими ўрганилиб, эскирган ариқларни бетонлаштириш ва оқава сув таъминотини яхшилаш ишлари жадаллаштирилди.

Тадбирлар доирасида Омбудсманнинг Андижон вилоятидаги минтақавий вакили Жасур Иброҳимов билан ҳамкорликда тумандаги 3-мактабда қабул ташкил этилди. Унда “Янги Фарғона”, “Ипак йўли” ҳамда “Тўраобод” маҳаллалари аҳолисининг мурожаатлари тингланиб, ижроси назоратга олинди. Мулоқот чоғида фуқаролар ва ўқувчиларга давлат тилининг нуфузини ошириш ҳамда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини такомиллаштиришга оид қонунчилик ўзгаришларининг мазмун-моҳияти тушунтирилди.



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ: ОҚОЛТИНДА 1,3 МИЛЛИАРД СЎМЛИК ЯНГИ СПОРТ МАЙДОНЧАСИ ҚУРИЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нодира Жонибекова Оқолтин туманининг “Шодлик” маҳалласида бўлди. Бу ерда аҳоли ташаббуси ва депутат кўмаги билан ажратилган 1 миллиард 300 миллион сўм маблағ эвазига болалар учун замонавий спорт майдончаси барпо этилмоқда. Лойиҳанинг қурилиши туман ҳокими ва маҳаллий Кенгаш депутатлари билан биргаликда кўздан кечирилди.

Шунингдек, тумандаги 17-мактаб ҳамда 7-сонли боғчада куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати текширилди. Гулистон шаҳрининг “Обод юрт” маҳалласида эса Аслиддин Усмонов томонидан 3 нафар хотин-қиз бандлиги таъминланган янги новвойхона ва тадбиркор Нодиржон Худойназаровнинг 120 миллион сўм эвазига бунёд этган “Болалар дунёси” маскани фаолияти эътироф этилди. Шу билан бирга, Бахт шаҳридаги 10-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабида фаолият юритаётган рақс тўгарагининг 30 нафар аъзоси учун саҳна либосларини харид қилиш мақсадида ҳомийлик маблағлари ажратилди.

Ўрганишлар якунида “Келажак маркази”да 5 ёшдан 10 ёшгача бўлган болалар ўртасида шахмат мусобақаси ташкил этилиб, ғолиблар рағбатлантирилди.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ: ДАНҒАРА, МАРҒИЛОН ВА ФАРҒОНА ШАҲРИДАГИ ИЖТИМОИЙ МУҲИТ НАЗОРАТДА

Парламент Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари ўринбосари Муҳаммаджон Валиев Данғара туманидаги “Уймовут” маҳалласи ва 15-мактабга борди. Депутатга маҳаллий Кенгаш депутати Жаҳонгир Йўлдошев ҳамда партия туман кенгаши раиси Моҳира Маматқулова ҳамроҳлик қилди.

“Уймовут”да маҳалла биноси, спорт майдончалари, мактаб ва боғчалардаги шароитлар ўрганилди. Ҳудудда кўриш имконияти чекланган фуқароларнинг хавфсиз ҳаракатланиши учун сариқ рангли йўналтирувчи қопламалар билан жиҳозланган пиёдалар йўлаги барпо этилгани эътироф этилиб, бундай қулайликларни кенгайтириш зарурлиги айтилди. 15-мактабда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ва бошланғич синфлар учун мўлжалланган янги замонавий ўқув биноси лойиҳаси кўриб чиқилди.





Шунингдек, **депутат Манзура Салимова** Фарғона шаҳридаги “Шодлик” маҳалласида инфратузилмани яхшилаш, алоҳида бино ажратиш ва фуқароларнинг тиббий-ижтимоий мурожаатлари бўйича учрашувлар ўтказди. “Ташаббусли бюджет” доирасида Марғилон шаҳридаги “Маориф” маҳалласида электр тармоқларини таъмирлаш ҳамда 27-сонли боғчада сузиш ҳавзасини реконструкция қилишга тайёргарлик ишлари ўрганилди.

Фарғона шаҳридаги 2-, 7- ва 47-сонли мактабгача таълим ташкилотларида содир бўлган озиқ-овқатдан заҳарланиш ҳолати юзасидан ҳам атрофлича суриштирув ўтказилди. Шифохонада даволанган болаларнинг аҳволи қониқарли экани ва уларга тўлиқ жавоб берилгани маълум қилинди, ҳозирда лаборатория ва эпидемиологик текширувлар давом этмоқда.

Ёшлар куни муносабати билан депутат CAMU халқаро тиббиёт университети талабалари билан ҳам учрашди. Ёзёвон туманида эса “Иброҳимов Достон файз” фермер хўжалигининг 160 гектар майдонда йилига 500 тонна балиқ етиштириш ва 40 нафар кишини иш билан таъминлаш борасидаги тажрибаси ўрганилди.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ: МАҲАЛЛАЛАР ИНФРАТУЗИЛМАСИ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ РАҚАМЛАШТИРИЛМОҚДА



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Елена Компольщик Самарқанд шаҳридаги “Сўғдиёна”, “Янги аср”, “Қуйи Хўжасоҳат”, “Раҳматобод”, “Беруний” ва “Нурли йўл” маҳаллаларида аҳоли мурожаатлари ҳамда инфратузилмани ривожлантириш масалаларини кўриб чиқди.

“Ташаббусли бюджет” асосида “Сўғдиёна” маҳалласидаги 54-сонли боғча биноси ва болалар ўйингоҳини капитал таъмирлаш ҳамда “Янги аср” маҳалласидаги 72-сонли боғчанинг том қисмини янгилаш ишлари бевосита жойига чиққан ҳолда таҳлил қилинди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг тиббиёт ходимлари билан ўтказган учрашувидаги вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида депутат 1- ва 3-сонли шаҳар поликлиникалари фаолиятини ўрганди. 1-сонли поликлиникада янгиланган электрон навбат ва ситуацион марказ, 3-сонли поликлиникада эса телетиббиёт маслаҳат хонаси ва электрон рецепт тизимининг ишлаши ижобий баҳоланди.

Елена Компольщик 14-сонли умумтаълим мактабидаги таълим шароитлари ва моддий-техник база ҳолати билан ҳам танишди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ: ЯККАСАРОЙ ВА ЯНГИҲАЁТ ТУМАНЛАРИДАГИ ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ ЎРГАНИЛДИ

Маҳаллалардаги муаммоларни ўз вақтида аниқлаш, аҳолининг ҳаётий эҳтиёжларини ҳал этиш ҳамда ташаббусли лойиҳаларнинг сифатини таъминлаш депутатлик фаолиятида алоҳида ўрин эгалламоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ойдин Абдуллаева Яккасарой ва Янгиҳаёт туманларида бўлиб, жойлардаги долзарб масалалар ва ободонлаштириш ишларининг бориши билан танишди.

Депутат дастлаб Яккасарой туманидаги “Мерос” маҳалласида бўлиб, муаммоларни ўрганди. Маҳаллада нуронийлар учун чойхона барпо этиш зарурати аниқланди. Объектни қуриш учун қулай бўш ер майдони мавжудлиги аниқланиб, чойхона қуриш бўйича мутасадди раҳбарлар билан маслаҳатлашиб, қурилиш бошлашга келишиб олинди.

Ҳудуднинг зич жойлашгани ҳисобга олиниб, мактаб ва мактабгача таълим ташкилоти атрофида болалар ва фуқаролар учун хавфсиз пиёдалар йўлагини ташкил этиш масаласи ўртага ташланди.

Шундан сўнг Ойдин Абдуллаева Янгиҳаёт туманидаги “Янги Чоштепа” маҳалласида бўлди. Бу ерда “Ташаббусли бюджет” асосидаги ишлар кўздан кечирилди. Лойиҳада белгиланган ҳисоб-китоблар, янги спорт ва болалар майдончаси ҳамда пиёдалар йўлакчаларининг қурилиш сифати ўрганилди.

Қурилиш ишларини пухта ва сифатли бажарилишини таъминлаш юзасидан ҳокимлик мутасаддилари билан фикрлашиб олинди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ: АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА ХУСУСИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Тоҳир Полвонов Урганч шаҳрида таълим самарадорлиги, маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар билан танишди.

Депутатнинг биринчи манзили табиий фанлар ва инглиз тилига ихтисослаштирилган “Nessa School” хусусий мактаби бўлди. 250 нафар ўқувчига мўлжалланган ҳамда 52 ўринли замонавий ётоқхонага эга ушбу муассасада таълим-тарбия жараёнининг ташкил этилиши, ўқув дастурлари ҳамда хорижий тиллар ва тиббиёт йўналиши бўйича яратилган имкониятлар юқори баҳоланди.

Хусусий таълим секторидаги бундай шароитлар ёшларни замонавий касбларга манзилли йўналтиришда муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Шундан сўнг Тоҳир Полвонов Урганч шаҳридаги “Тоза боғ” маҳалласи “еттилиги” фаолияти ва аҳоли мурожаатлари билан ишлаш ҳолатини ўрганди. Жараёнда барқарор иш ўринларини яратиш, кичик бизнесни ривожлантириш ва ажратилаётган молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича масъулларга тегишли тавсиялар берилди.





2-мақола

АЧЧИҚ ВА ОЧИҚ ҲАҚИҚАТ:

коррупциянинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга салбий таъсири

Акмал САИДОВ,
академик

ЎЗБЕКИСТОН: БОСИБ ЎТИЛГАН ЙЎЛ ВА МАВЖУД МУАММОЛАРГА ХОЛИС НИГОҲ

Сўнгги ўн йилда Янги Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашнинг янги модели шакланди. Бу миллий моделнинг ўзига хос асосларига мухтасар тўхталамиз.

Биринчиси **– қонунчилик асоси.** Бугунги кунда коррупцияга қарши сиёсатнинг ҳуқуқий пойдеворини қуйидагилар ташкил этмоқда:

- **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023 йилги таҳрири)** – инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият сифатида белгилаб, қонун устуворлиги ҳамда давлат ҳокимиятининг очиқлиги тамойилларини мустаҳкамлаб берди;
- **«БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясини ратификация қилиш тўғрисида»ги қонун (2008 йил)** – халқаро стандартлар миллий ҳуқуқий тизимнинг узвий қисмига айланди;
- **«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун (2017 йил)** – коррупция тушунчасини, коррупцияга қарши фаолиятнинг тамойиллари, асосий йўналишлари ва субъектларини белгилаб берган таянч ҳужжат;
- **«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги (2014 йил)** ва **«Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги (2018 йил)** қонунлар – ҳокимиятнинг шаффофлигини ва фуқароларнинг иштирокини таъминламоқда;
- **«Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги қонун (2018 йил)** – фуқароларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларининг аниқ қоидаларини белгилади;
- **«Давлат харидлари тўғрисида»ги (2021 йилги янги таҳрири)** ҳамда **«Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги (2022 йил)** қонунлар;
- **«Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги қонун (2024 йил)** – давлат ташкилотлари ходимлари томонидан эҳтимолий манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш ва уни яширганлик учун жавобгарликни жорий этди;
- **Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс** – коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни белгилайди;
- **Президент фармон ва қарорлари,** жумладан, коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини рейтинг баҳолаш тўғрисидаги 2022 йил 12 январдаги қарор ҳамда коррупцияга қарши сиёсатнинг 2030 йилгача бўлган ривожини белгилаган, оқибатлар билан курашишдан профилактикага ўтишни назарда тутувчи 2025 йил 30 декабрдаги фармон.

Навбатдаги муҳим қадам давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилиш тўғрисидаги қонунни қабул қилиш бўлиб қолмоқда. Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг маълумотига кўра, мазкур қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига тайёрланмоқда.

Иккинчиси **– институционал асос:**

- **Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (2020 йилда ташкил этилган)** – Президент ва Олий Мажлис палаталарига ҳисобдор бўлган, давлатнинг коррупцияга қарши сиёсатини шакллантирувчи ва мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли давлат органи;
- **Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши** – Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссиясини қайта ташкил этиш орқали тузилган. Кенгашга Олий Мажлис Сенати Раиси бошчилик қилади, ҳудудларда ҳудудий кенгашлар фаолият юритади, Агентлик эса унинг ишчи органи ҳисобланади;
- Олий Мажлиснинг ҳар иккала палатасида ташкил этилган, мазкур соҳада парламент назоратини амалга оширувчи **Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмиталари;**
- Коррупцияга оид жиноятларни фош этиш ва жазонинг муқаррарлигини таъминловчи **прокуратура, ички ишлар, давлат хавфсизлиги органлари ва судлар;**
- вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар ва тўғридан-тўғри Президент Администрациясига бўйсунувчи давлат корхоналаридаги **ички коррупцияга қарши назорат (комплаенс-назорат) бўлинмалари;**
- Президентимизнинг ПФ-270-сон фармони билан ташкил этилаётган, давлат органлари, илмий муассасалар ва фуқаролик жамияти институтларини бирлаштирувчи **Коррупцияга қарши курашиш бўйича ягона тизим (Кластер).**

Учинчиси – таълимга тааллуқли асос. Президент Шавкат Мирзиёев, 2023 йил 19 декабрда бўлиб ўтган Коррупцияга қарши курашиш бўйича юксак халқаро мукофот билан тақдирлаш маросимидаги нутқида эътироф этганидек, ***«Бизнинг устувор вазифамиз – ёшлигидан бошлаб*** «***ҳалоллик вакцинаси***» билан эмланган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказишдир».

Аслида ҳам, коррупцияни фақат жазолаш йўли билан енгиб бўлмайди: уни одамларнинг онгида олдиндан бартараф этиш зарур. Шу боис Янги Ўзбекистонда коррупцияга қарши узлуксиз таълим тизими шакллантирилмоқда. Бу ўринда, хусусан:

- давлат хизматчилари, талабалар, ўқувчилар ва кенг аҳоли қатламларини ўқитишга мўлжалланган **«Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси»** электрон платформаси;
- UNODCнинг болалар ва ёшлар учун мультфильмлар, видео ва аудио материаллар яратишни назарда тутувчи **GRACE дастурини** (Коррупцияга қарши таълим бериш ва ёшларнинг фаоллигини ошириш бўйича глобал ресурс) жорий этиш;
- олий таълим муассасаларида коррупцияга қарши махсус курслар ва ихтисослашган кафедраларни, жумладан, «комплаенс-назорат» йўналишини ташкил этиш, шунингдек, давлат хизматчиларини коррупцияга қарши қонунчилик ва одобахлоқ асосларига мажбурий ўқитиш;
- таълим соҳасидаги маърифий ташаббуслар, жумладан ЮНЕСКО, UNODC, Бош прокуратура, Сенат ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи иштирокида ўтказилган **«Олий таълим – коррупциясиз соҳа»** конференцияси мисолидаги яхлит ва узвий таълим тизими ҳақида сўз бормоқда.

Инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан қараганда, коррупцияга қарши таълим ҳуқуқий таълим ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимдан ажралмасдир. Чунки ўз ҳуқуқларини билган фуқаро давлат унга бепул тақдим этиши шарт бўлган хизмат учун беҳудага пул тўламайди.

Тўртинчиси – мониторингга оид асос. Гап шундаки, **«Ўлчаб ва мезонга солиб бўлмайдиган нарсани бошқариб бўлмайди»** тамойили миллий мониторинг тизимида ўз ифодасини топди. Жумладан:

- Президентнинг 2022 йил 12 январдаги қарори билан жорий этилган, давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини 100 баллик шкала бўйича **рейтинг баҳолаш**. Баҳолаш Агентликнинг электрон платформаси орқали амалга оширилади;
- 2024 йил якунларига кўра, ҳокимликлар билан бирга жами 103 та ташкилот баҳоланди: 41 таси «яхши», 53 таси «қониқарли», 9 таси «қониқарсиз» баҳо олди. Ўртача балл 73,8 баллни ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан 4,9 баллга, 2022 йилга нисбатан эса 14,3 баллга ошди. Қониқарсиз баҳо олган ташкилотлар учун махсус дастурлар ишлаб чиқилмоқда, уларнинг раҳбарлари эса Миллий кенгаш йиғилишларида ҳисобот бермоқда;
- Агентликнинг махсус методологияси асосида давлат органлари фаолиятининг очиқлиги мониторинги;
- коррупцион хавф-хатарларни баҳолаш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси – бу коррупцияни келтириб чиқарувчи меъёрларни ҳали ҳужжат қабул қилинмасдан олдин бартараф этиш имконини беради;
- коррупцияга оид жиноятлар статистикасини таҳлил қилиш ва натижаларни парламентда мунтазам эшитиб бориш.

Инсон ҳуқуқларига асосланган ёндашув мазкур кўрсаткичларни яна бир муҳим жиҳат билан тўлдиришни тақозо этади. Бу ўринда мониторинг асносида нафақат аниқланган қонунбузилишлар сони ва қопланган зарарни, балки **фуқароларнинг поймол этилган ҳуқуқлари қай даражада тикланганини ҳам баҳолаш** зарурлиги хусусида сўз бормоқда.

Бешинчиси – **Фуқаролик жамияти: жамоатчилик назорати.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга тақдим этилган Мурожаатномасида уқтирилганидек, **«Коррупцияга қарши курашиш – бутун жамиятнинг ишидир».**

Ростдан ҳам, барча муваффақиятли мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат коррупцияни ёлғиз ўзи енга олмайди. Бу борадаги асосий иттифоқчилар – фаол фуқаролардир.

Ўзбекистонда бунинг учун қуйидаги механизмлар яратилган:

- фуқаролар, ННТ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ОАВнинг давлат органлари фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқини мустаҳкамлаган **«Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун;**
- давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг Коррупцияга қарши курашиш кластери ишидаги иштироки;
- фуқаролик назорати воситаси сифатида очиқ маълумотлар: 2021 йилда Ўзбекистон Халқаро **очиқ маълумотлар** хартиясига қўшилди, давлат харидлари эса тўлиқ рақамли шаклга ўтказилди;
- коррупция ва суиистеъмолчиликлар фактлари ҳақида хабар бериш имконини берувчи **фуқаролар мурожаатларининг электрон каналлари;**
- оммавий ахборот воситалари, журналистлар ва блогерлар – Президент уларнинг ролини алоҳида қайд этиб, ОАВни коррупцияга қарши курашнинг олд сафларида турган катта куч деб атади.

Шу билан бирга, айнан шу соҳада улкан ўсиш захираси мавжуд. Коррупция ҳақида хабар берган шахсларни (информаторларни) ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши ҳамда суриштирувчи-журналистлар учун хавфсизлик кафолатларининг таъминланиши Ўзбекистонда ҳалоллик қонун ҳимоясида эканини кўрсатувчи кучли сигнал бўлади.

Олтинчиси **– халқаро асос.** Ўзбекистоннинг бу борадаги ютуқлари ҳақида сўз борганда, жумладан:

- 2008 йилдан буён БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясида ва уни амалга оширишни кўриб чиқиш механизмида иштирок этиш;
- Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар режасида, Коррупцияга қарши курашувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг глобал тезкор тармоғида, Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳида ҳамда Эгмонт гуруҳида иштирок этиш;
- Ғарбий ва Марказий Осиё давлатларида активларни қайтариш бўйича тармоқ Котибияти функцияларини бажариш;
- **Тошкент – халқаро коррупцияга қарши майдон сифатида:** ҳар йили ўтказиладиган Халқаро коррупцияга қарши форум, 2023 йилда БМТ Коррупцияга қарши конвенциясининг Минтақавий платформаси ишга туширилиши ҳамда 2023 йил декабрида UNODC билан ҳамкорликда Коррупцияга қарши курашиш бўйича юксак халқаро мукофотни топшириш маросимининг ўтказилиши;
- коррупцияга қарши дастурларни амалга оширишда БМТ, Жаҳон банки, ИҲТТ, ЕХҲТ ва бошқа халқаро шериклар билан самарали ҳамкорлик ҳақида тўхталиш лозим;
- юксак мақсад: давлат раҳбари 2030 йилга қадар «Transparency International» Коррупцияни қабул қилиш индексида мамлакатимиз ўрнини яна 50 поғонага кўтариш вазифасини қўйди.

Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзолиги (2021–2023 йиллар) тажрибаси шуни тасдиқлайдики, ислоҳотларнинг халқаро эътирофи – мамлакат коррупцияга қарши кураш билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни қанчалик изчил боғлай олишига бевосита боғлиқдир.

Натижалар ва ўсиш захираси ҳақида алоҳида тўхталмаслик мумкин эмас. Хусусан, Ўзбекистоннинг «Transparency International» Коррупцияни қабул қилиш индексидаги динамикаси қуйидагича:

Натижа ўз-ўзидан кўриниб турибди: ўн йил ичида Ўзбекистон 30 дан ортиқ поғонага кўтарилди ва ўзининг олдинги ютуғига 10 балл қўшди. Шу билан бирга, кетма-кет иккинчи йил айни кўрсаткичнинг бироз пасайиши қайд этилмоқда.

Таққослаш учун: Шарқий Европа ва Марказий Осиё минтақасининг 2025 йилдаги ўртача кўрсаткичи 34 баллни ташкил этди. Мазкур минтақада энг яхши натижалар Грузия (50) ва Арманистонда (46) кузатилган бўлса, рўйхатнинг қуйи поғоналарида Россия (22), Тожикистон (19) ва Туркманистон (17) қайд этилган.

йил	Балл (100 дан)	Рейтингдаги ўрни
016	21	156
019	25	153
020	26	146
021	28	140
022	31	126
023	33	121
024	32	121
025	31	182 та давлат орасида 124-ўрин

«Transparency International» ўз баҳосида Ўзбекистондаги расмий ислоҳотлар муайян даражада илгарилаганини, бироқ коррупцияни фош этаётган журналистлар ва блогерлар ҳамон босимларга дуч келаётганини, бу эса коррупцияга қарши саъй-ҳаракатларнинг таъсирини чеклаб қўяётганини таъкидлади.

Биз ушбу баҳони таъна ё эътироз сифатида эмас, балки ўсиш захирамиз айнан қаерда эканини кўрсатувчи аниқ кўрсатма деб қабул қилишимиз лозим.

Ички статистика: 2025 йилда коррупцияга оид жиноятлар учун 7 минг 517 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилди, бу 2024 йилга нисбатан 2,2 фоиз кўпдир. Давлат манфаатларига етказилган зарар эса 2,9 триллион сўмдан ошди.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА АСОСЛАНГАН ЁНДАШУВ: АМАЛИЙ ТАКЛИФЛАР

Мавжуд воқелик шаротида, қисқа қилиб айтганда, коррупцияга қарши курашиш механизмларини инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан янада такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу муносабат билан қуйидаги йўналишларга эътибор қаратишни зарур, деб ҳисоблаймиз.

- Биринчидан: **зарарни нафақат бюджет бўйича, балки инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан ҳам баҳолаш.** Шовшувли ишларда нафақат «Қанча талон-торож қилинди?» деган саволга, балки «Кимларнинг ҳуқуқлари бузилди ва уларни қандай тиклаш мумкин?» деган саволга ҳам жавоб топиш муҳим. Қайтарилган активларни, аввало, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида поймол этилган ҳуқуқларни тиклашга йўналтириш мақсадга мувофиқдир.
- Иккинчидан: **коррупцияга қарши чора-тадбирларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича экспертизасини ўтказиш.** Бу коррупцияга қарши курашнинг ўзи айбсизлик презумпцияси, ҳимояланиш ҳуқуқи ва шахсий ҳаёт дахлсизлигининг бузилишига олиб келмаслигини таъминлайди.
- Учинчидан: **коррупция фактлари ҳақида хабар берувчи информаторлар, журналистлар ва блогерларни давлатнинг шаффофликни таъминлашдаги ишончли ҳамкорлари сифатида ҳимоя қилишни кучайтириш.**
- Тўртинчидан: **давлат хизматларини рақамлаштириш ҳисобига фуқаро билан мансабдор шахс ўртасидаги** «алоқа майдони»ни (бевосита мулоқотни) қисқартириш. Бу, айниқса, мактабгача таълим, мактаблар, тиббиёт ва ер ажратиш соҳаларида зарур. Негаки, шахсий алоқа ва боғлиқлик бўлмаган жойда порага ҳам ўрин қолмайди.
- Бешинчидан: **бюджетлар, давлат харидлари, компанияларнинг якуний бенефициарлари ҳамда мансабдор шахсларнинг даромадлари тўғрисидаги декларациялар бўйича маълумотларнинг очиқлигини кафолатлаш.**
- Олтинчидан: **коррупцияга қарши кураш бўлимини Ўзбекистоннинг БМТнинг шартномавий органларига миллий маърузаларига, Универсал даврий шарҳ доирасидаги ҳисоботларга ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегия мониторингига киритиш.**
- Еттинчидан: **ҳуқуқий таълим ва маърифатни янада ривожлантириш.** Ўз ҳуқуқларини пухта билган фуқаро унга бепул берилиши лозим бўлган хизмат учун пул тўлашдан тийилади. Бу жараёнда болалар ва ёшларга, хотин-қизларга ҳамда чекка ҳудудлар аҳолисига алоҳида эътибор қаратиш зарур.
- Саккизинчидан: **коррупцион хавфларни баҳолашда аҳолининг заиф ва эҳтиёжманд қатламлари аҳволини инобатга олиш ҳамда улар учун мурожаат ва шикоят юборишнинг қулай ва хавфсиз каналларини яратиш.**

Машҳур шарқ ҳикматида зинапоя юқоридан пастга қараб супурилади, дейилади. Бироқ яна бир муҳим ҳақиқат бор: зинапоянинг тозалигини ундан кўтарилаётган ҳар бир киши кўриб-кузатиб туриши ҳам шарт. Жамоатчилик назорати дегани аслида мана шудир.

Хулоса қилиб айтганда, коррупция ҳуқуқ товарга айланган жойдан бошланади. Қачонки болалар боғчасидаги ўрин, шифокорнинг ташхиси, имтиҳондаги баҳо ёки суд қарори ўз нархига эга бўлар экан, инсон энг муҳим нарсасини – давлат пул тўлай оладиганларга эмас, балки айнан унга хизмат қилишига бўлган ишончини йўқотади.

Шу сабабли коррупцияга қарши курашиш – инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, демакдир. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш эса коррупция учун бирорта ҳам қоронғи бурчак қолдирмаслик деганини англатади.

Янги Ўзбекистонда бошланган тизимли ислоҳотлар бунинг учун мустаҳкам пойдевор яратди. Бизнинг умумий вазифамиз – ушбу ислоҳотлар самарасини ҳар бир фуқаро рейтинг жадвалларида эмас, балки ўз ҳаётида: поликлиникада, мактабда, судда ва ҳокимликда амалда ҳис этишига эришишдан иборатдир.

БОЛАЛАР УЧУН ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАР ЁПИЛДИ:

ТУРКИЯДА ШОВ-ШУВЛИ ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

Туркияда болалар хавфсизлиги ва таълимига қаратилган жиддий қадам ташланди — 15 ёшга тўлмаган болалар учун ижтимоий тармоқлардан фойдаланишга нисбатан расмий тақиқ кучга кирди. **Туркия Оила ва ижтимоий хизматлар вазири Маҳинур Гўкташ маълум қилишича,** 15 ёшгача бўлган шахслар эндиликда тармоқларда янги профил оча олмайди, мавжуд саҳифалар эса босқичма-босқич ёпилади.



Мавжуд фойдаланувчиларнинг ёшини текшириш ва мослашиш жараёни 2027 йил 31 мартга қадар давом этади. Ушбу ўтиш даврида ижтимоий тармоқлар маъмурияти 15 ёшдан кичик фойдаланувчиларнинг ҳисобларини тўлиқ музлатиб, фаолиятини тўхтатади.

e-devlet орқали назорат: Ёшга қараб қандай чекловлар ўрнатилади?

Ижтимоий тармоққа кириш учун фойдаланувчилар давлат хизматлари портали — **e-devlet** орқали шахсини тасдиқлаши талаб этилади. Портал орқали фуқаронинг ёши ҳақидаги маълумотга эга рақамли токен берилади:

15 ЁШГАЧА БЎЛГАНЛАР: Ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш бутунлай тақиқланади;

15 ЁШДАН 18 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЎСМИРЛАР: Тармоққа киришга рухсат берилади, аммо қатъий чекловлар билан:

Фақат «дўстлар» рўйхатидаги саҳифалар билан ёзишиш мумкин;

Тўғридан-тўғри (жонли) эфирлар олиб бориш қатъиян ман этилади;

«Катталар учун» мўлжалланган реклама ва номақбул контентлар тўсиб қўйилади.

Қонун талабини бузиб, ўсмирлар учун сохта профил очган шахслар ҳамда ёш чекловларини назорат қилмаган ижтимоий тармоқ платформаларининг ўзлари ҳам жиддий жарима ва санкцияларга тортилади.

САЙЁҲЛАР ВА ХОРИЖЛИКЛАР УЧУН ТАРТИБ ҚАНДАЙ?

Хавфсизлик бўйича туркиялик эксперт Мустафо Бегюрджюнинг таъкидлашича, Туркияга қисқа муддатга келувчи хорижий сайёҳлар ўз паспорт маълумотларини махсус порталда қайд этиш орқали ижтимоий тармоқларга чекловсиз кириш ҳуқуқини қўлга киритишлари мумкин.

«БОЛАЛАР КЎПРОҚ ДАРС ҚИЛИШИ КЕРАК»: ЧЕКЛОВЛАР ОРТИДАГИ САБАБ

Туркия Транспорт ва инфратузилма вазири Абдулқодир Уралоғлу чекловларнинг киритилишини изоҳлар экан, бу бутун интернетни тақиқлаш эмас, балки ёш авлод тарбияси билан боғлиқ эканини билдирди:

«Бу ерда гап бутун интернетни тақиқлаш ҳақида кетаётгани йўқ. Болалар виртуал оламда соатлаб вақт йўқотмасдан, кўпроқ дарс билан шуғулланиши, китоб ўқиши ва реал ҳаётга эътибор қаратиши зарур».

Бундан ташқари, Туркия Адлия вазири Ақин Гюрлекнинг маълум қилишича, мамлакатда ижтимоий тармоқлардаги **аноним (сохта) профилларни бутунлай тақиқлаш** бўйича қонунчиликка навбатдаги ўзгартиришлар киритиш режалаштирилмоқда.

Манба: zamin.uz

КРЕДИТ ОЛГАН ШАХС ВАФОТ ЭТСА, КРЕДИТ БЕКОР БЎЛАДИМИ?

Бугунги кунда мамлакатимиздаги кўплаб фуқаролар уй-жой, автомобиль олиш ёки бошқа мақсадларда банкдан кредит олмоқда. Лекин кредит олган шахс кутилмаганда вафот этса, унинг кредити нима бўлади?

Шабнам ЖОВЛИЕВА,
Тошкент давлат юридик университети талабаси

Кўпчилик бундай ҳолатда унинг қарзи ҳам бекор бўлади, деб ўйлашади. Аслида, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, кредит олган шахснинг вафот этиши кредит қарздорлигини бекор қилмайди. Фуқаролик кодексининг 351-моддасида фуқаро вафот этганида баъзи мажбуриятлари бекор бўлиши айтилган. Аммо кредит мажбурияти кўп ҳолларда мерос таркибига киради. Фуқаролик кодексининг 1113-моддасига кўра, мерос очилган пайтда вафот этган шахсга тегишли бўлган ва унинг вафотидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган ҳуқуқ ва мажбуриятлари мерос таркибига киради. Шунинг учун вафот этган шахснинг банкдан олган кредити ҳам, агар қонун ёки шартномада бошқача қонун ёки қоида берилмаган бўлса, унинг меросига боғлиқ бўлади.

Масалан, фуқаро банкдан 100 миллион сўм кредит олди ва кредитнинг бир қисмини тўлаб, кейин вафот этди. Бундай вазиятда қолган қарз шунчаки йўқ бўлиб кетмайди. Агар марҳумнинг уйи, автомобили ёки бошқа мол-мулки мерос сифатида қолган бўлса, кредит берган банк ўз талабларини шу мол-мулклар ҳисобидан олишни талаб қилиши мумкин.

Яна бир муҳим жиҳат ҳам борки, вафот этган шахснинг мероси қолган меросхўрлар марҳумнинг қарзларини ўз шахсий мол-мулкидан тўлашга мажбур эмас. Фуқаролик кодексининг 1156-моддасига кўра, меросхўрлар марҳумнинг қарзлари бўйича ўзларига мерос қолган мол-мулкнинг қийматига асосланиб, жавобгар бўлиши лозим. Масалан, марҳумдан 50 миллион сўмлик мол-мулк мерос қолган, лекин банкдаги қарз 80 миллион сўмни ташкил қилса, меросхўрнинг жавобгарлиги мерос қилиб олинган мол-мулк қиймати билан боғлиқ бўлади. Яъни, меросхўр марҳумнинг қарзининг қолганини тўлаш учун ўз мол-мулкини сотиши мумкин эмас. Яна бир муҳим томони шуки, кредит суғурталанган бўлиши керак. Баъзи банкларнинг кредит шартномаларида қарз олувчининг ҳаёти суғурта қилинади. Агар шартнома шартларига кўра, вафот этиш суғурта ҳодисаси ҳисобланса, кредит суғурта компанияси томонидан тўлаб берилади.

Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун кредит муносабатларининг ҳуқуқий асосларидан биридир. Ушбу қонунда банклар кредитларни гаров, кафолат ва кафиллик орқали бериши мумкинлиги таъкидланган. Шунингдек, қарз олувчи шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаса, банк ходимлари кредит ва белгиланган фоизларни ундириш ҳамда айрим ҳолларда мол-мулкка ҳам ундирув қаратиш ҳуқуқига эга.

Демак, кредит олган шахс вафот этгани билан кредит автоматик равишда бекор бўлмайди. Кредитнинг кейинги тақдири мерос, кредит шартномаси, суғурта, кафиллик ва бошқа масалаларга боғлиқ бўлади ва марҳумнинг меросхўри амалдаги қонунларга кўра, барча қарзларини тўлаб бериши шарт, агар қонунда белгиланган мустасно ҳолатлар бўлмаса.



“БУЮК ЭЛГА ЭНДИ ДАҲОЛАР КЕРАК”



Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

“ҲАММА БИР-БИРИНИ АЛДАЙДИ”

...Тақвимда 1989 йил.

Газета-журналлардаги оташин мақолаларга, радио-телевизордаги янада серҳаяжон чиқишларга ишонилса, “ривожланган социализм” даврида яшаётгандик; инчунун, умумфаровонликка эришиладиган коммунизмга етишимизга бир қадамгина қолганди, холос.

Кузнинг аччиқ изғиринли кунлари.

Қишлоғимиздан йигирма чақирим узоқликдаги туман марказида жойлашган таҳририятга ит азобида етиб олинарди: йўллар тақа-тақ бекитилган, автобус у ёқда турсин, енгил машинага ҳам рухсат йўқ; мабодо амаллаб бирон кўликка илиниб олсангиз, катта кўчада бадковоқ ГАИ ходими ола таёғини кўтариб тўхтатади-да, ҳаммани тушириб, биттадан этак тутқазади: “Ўн килодан пахта териб чиққанларингдан кейин кетишларингга рухсат бераман!..” Шу боис таҳририятнинг эски газеталар шифт бўйи тахланган хонасида ҳафталаб қолиб кетаман.

Хуллас, шундай кунларнинг бирида ўзим ўқиган мактабда физика ва фалакиётшунослик фанлари ўқитувчиси ҳар йилги одатига кўра юқори синф ўқувчиларини пахтадан кейин, кечки сакиз-тўққизларда мактабга чақириб, кабинетида дарс ўтаётганини, астрономия дарсида болаларни томга олиб чиқиб, телескопда ой-юлдузларни томоша қилдираётганини эшитиб қолдим. Кимё муаллимиз ҳам одатига кўра бир неча болани кечқурун уйига чақириб, уларни ўқувчилар орасида ўтказиладиган фан олимпиадасига тайёрламоқда экан.

Шу хусусда ҳаяжон билан шартта “Ташаббус” рукнида мақола ёзиб ташладиму, муҳаррирга олиб кирдим.

Серандиша, мулойим муҳаррир машинкаланган матнни диққат билан ўқиб чиққач, маъюс кулимсираган кўйи бош чайқади. Ҳайрон қолганимга жавобан изоҳ ҳам берди. Яъни биз райкомнинг органи сифатида партия сиёсатига қарши мақола беролмас эканмиз.

– Чунки мактабларда “дарслар давом этаяпти”, ўқувчилар “ўқияпти”. Мақола воқеликкка нисбатан сиёсий туҳмат сифатида баҳоланади. Так-что, буни унутинг.

Анграйиб қолганимни кўрган муҳаррир ётиғи билан тушунтиришга ўтди:

– Биламан, болалар икки ойдан бери далада. Лекин агар синф журналларини қарасангиз, дарслар бўлаяпти, болалар баҳолар олишаяпти. Агар дарс ўтмаётган бўлса, ўқитувчи қандай қилиб ойлик олаяпти?

– Лекин бу... Алдов эмасми?!

Шунда муҳаррир истироб билан айтган гап мени қаттиқ ларзага солганди:

– Бу жамиятда ҳамма бир-бирини алдайди...

Ўша йили ҳам ёмғир, совуқ, қорга қарамасдан ўқувчилар деярли янги йилга қадар далада бўлишди...

Яқинда шу воқеани бир даврада айтиб берсам, ёшлар ишонинқирамагандай бўлишди.

“Буниси ҳали ҳолва”, дедим-у бошқасига ўтдим.

САМОЛЁТ СЕПГАН “ЁМҒИР”

Тасаввур қилинг: авжи саратон чилласи, қуёш даланинг жизғинагини чиқариб юборган. Ғўзалари тизза бўйи эгатлар ораларидан қайноқ ҳовур кўтариладиган юз гектарлик пайкалда биз ўқувчилар аранг судралиб, чопиқ қилиб юрибмиз. Ярим давлатни бир коса сувга алмаштириб юборишгаям рози ахволдасан...

Ногоҳ шундоқ тепамизда “Кукуруз” самолёти пайдо бўлади ва устимизга шувиллатиб дори сепиб ўтади. Муздек зарраларга кўмиламиз, лабларимизга қўнган аччиқ заррачаларни ютоқиб ялаймиз. Сўнг шодон сакраймиз: “Ёмғир ёғди-и!..”

Ҳайҳот, бир мардум топилмаганки, “Ҳой болалар, бу сув эмас, кимёвий заҳар-заққум, бундай дори сепилган далага наинки одам, ҳаттоки ҳайвон ҳам уч кунгача қадам босиш мумкин эмас!” дейдиган. Ё раб, ахир сал кейинроқ қанчадан-қанча тенг-тўшларимизнинг боши оғир хасталикларидан чиқмади, қанчаси... Бу ўша оғу остида қуллардан ҳам баттар меҳнат қилганимизнинг ҳам бевосита, ҳам билвосита оқибати эмасми ахир....

Энди бир мулоҳаза. Камина “кулардан ҳам баттар...” деганимда истеҳзо ила лабини бурган, энсаси қотганини яшириб ўтирмаган укажон, билиб қўйинг, аслида бу гапим буткул ҳақиқат.

ҚЎШИҚ АЙТИБ ПАХТА ТЕРАЁТГАН... ҚУЛЛАР

Хабарингиз бор, шу кунларда улуғ адибимиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов таваллудининг бир асрлик тўйини нишонлаяпмиз. Келинг, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, мард, элпарвар Одил ака 1989 йилнинг 16 июнида, қайта қуриш авжига чиққан, шўро давлати интиҳосининг ибтидоси кечаётган кунларда Моквада, СССР халқ депутатлари съездида сўзлаган тарихий, “даҳшатли” нутқидан биттагина иқтибос келтириб ўтай:

“...Америка жанубидаги оқтанли бағритош фермерларни эслайлик. Улар пахта далаларида ишлашни хоҳламай, ўз хотинлари ва болаларини ана шу инсон боласи чидаб бўлмайдиган меҳнатдан холи этиб, Африкадан неча юз минглаб негрларни кишанбанд этиб, олиб келган эдилар. Аммо адолат юзасидан шуни ҳам эслашимиз керакки, пахта далаларида ишлашни хоҳламаган ва ўз болаларини бу оғир меҳнатдан халос этган ўша қаҳри қаттиқ фермерлар қуллардан соғлом, ишга яроқли насл олиш мақсадида уларни обдон тўйдиришган. Шундай қилиб, бўйи икки метрли қора танли полвонлар туғилдики, уларнинг авлодлари ҳозир Америка спортининг ва Америка санъатининг гултожидир...

Хўш, бизнинг қишлоқдаги болаларимиз-чи? Спорт ҳақида, маънавий равнақ ҳақида гапириб ўтиришга ҳам ҳожат йўқ. Оч-наҳор яшашаётгани (жон бошига 20 килограмм гўшт тўғри келади), оғир меҳнат қилишаётгани натижасида уларни армияга ҳам олишмаяпти. Агар олишса ҳам фақат қурилиш батальонларида хизмат қилишяпти... Давлат режа қўмитасидагиларнинг мамлакатга пахта керак, у стратегик хом ашёдир ва валюта тушумларида салмоқли ўрин тутяпти, деган гаплари тўғрими? Агар тўғри бўлса, нега энди биздан пахта жаҳонда энг арзон нархда сотиб олинмоқда...”

Бундай мислсиз даражадаги азобли ҳақиқатларга изоҳнинг ҳожати йўқ.

Бугунги ёшларимиз, сал лофи билан айтсак, компьютернинг “сичқончаси”дан кириб, клавиатурасидан эсон-омон чиқиб келаверишади. Фурсат топиб кўринг: 2014 йилнинг 2 мартида кино соҳасидаги энг нуфузли Оскар мукофоти Голливуднинг “12 йил қулликда” картинасига берилди.

Фильм қулжаллоблар томонидан сотиб юборилган Соломон Нортапнинг “12 йил қулликда” ҳужжатли китоби асосида суратга олинган. Бобо-момолари қуллар авлодидан бўлган режиссёр Стив Маккуин шундай дейди: *“Бу тарихий воқеа ҳамиша долзарб бўлиб қолаверади.* ***Атрофга қаранг ва сиз ҳар қадамда ҳали-ҳануз буткул йўқолиб кетмаган қулликнинг унсурларини кўрасиз”.***

Энди асосий гапга ўтамиз. XIX асрнинг ўрталари, техника йўқ, штатлар фаровонлигига хизмат қиладиган пахта ҳосили қўлда териб олинади. Ва шафқатсиз эксплуататор, қамчисидан қон томадиган қулдорлар мутлақо ҳақ-ҳуқуқсиз қулларга кунлик норма белгилашади: кунига 200 фунтдан!

Аммо... қуёш терак бўйи кўтарилганда уйғотиладиган, ғамгин қўшиқ айтиб пахта тераётган қорни тўқ қулларга ачинишга шошмай турайлик. Бир фунт 0,45 килограмга тенг. Демак, қуллар учун кунлик норма 90 килограмни ташкил этади. Ҳақ-ҳуқуқсиз қуллар учун-а!

Ваҳоланки мактабда ўқиётганимизда биз ўқувчилар учун (!) кунлик норма 100 килограмм эди. Талабалик пайтимизда эса 120 (“тушгача 70, тушдан кейин 50”). Бунча теролмаган “халқ душманлари” кечки овқатдан кейин, трактор чироқлари ёруғида яна пахтазорга чиқардик. Тонг қоронғусида эса ҳарбийча “подъём!” буйруғи. Яна бир хотира: пахтага чиқдикми, исм-шарифимиздан маҳрум бўлардигу, рақамга айланардик. Бўйнимизга рақамимизни осиб юрмасдик, холос; зеро, шусиз ҳам “Нормани бажармаганингни институтдан ҳайдаттириб юбораман!” деб бўкираган, қамчи ўрнига хивич тутган “комиссар” биронтамизнинг отимизни билмасди, аммо ҳаммамизнинг рақамимизни ёдида сақларди: “Эллик еттинчи!.. Бир юз ўн биринчи!.. Тер!..”

Суриштириб билдик, маҳаллий теримчи аёллар орасида кунига 200-300 килолаб, ҳаттоки 400 килолаб пахта тераётган “дала маликалари” кўпчиликни ташкил этаркан!

Дунё аҳли эса “12 йил қулликда” фильмида 200 кило пахта терган қул меҳнатидан фавқулоддда ҳайратда! Фантастика бу! Мумкин эмас!.. Миллионлаб томошабинлар кўзларида ёш билан манфур, мустабид колонизаторларни қарғаб, сўкиб ётибди. Тили калимага келмай, лол қотган томошабинлар картинага мукофот устига мукофот беришдан чарчашмаяпти: ахир, тўғри-да, тирик инсонни ҳам шунчалар хўрлаб бўладими?..

Қуллардан баттар кун кечирганимизга яна не исбот керак, ахир...

Мен бу воқеани ҳам ишонинқирамасдан эшитган ёшларга... Тўғриси, ҳавас ҳам қиламан. Майли, улар учун бу ҳодисотлар чўпчак бўлиб туюлсин, бундай бўлиши мумкинлигини ҳатто қўрқинчли тушларида ҳам тасаввур эта олишмасин. Аслида бу уларнинг бахти-иқболи. Аммо бизнинг авлод у кунларни, энг муҳими, ўша машъум даврдан чиқарилган залворли хулосаларни асло унутмайди, унута олмайди. Кечаги, яқин кунларимиздаги кечмишларимиз бизга бебаҳо сабоқлари билан муҳим ахир.

МЎЪЖИЗА МУАЛЛИФИ – МУАЛЛИМ

Вақт эса жуда тез ўтмоқда. Назаримда, истиқлол даврида бир эмас, камида икки авлод шаклланиб улгургандай.

Шукр, биз кўриб-билиб турган ўзгаришлар, ривожланишлар саноғи ҳам салмоқли. Бироқ глобаллашув шароитида, дунёга янгича нигоҳ билан қараб, эмин-эркин яшаётган авлодлардан биз мўл-кўл фавқулодда ютуқлар, бемисл зафарлар, оламшумул кашфиётлар, бани башар ақли ва қалбини ром этадиган ихтиролар кутишга ҳақлимиз.

Бу жараёнда қайтадан Амрико очиб юришнинг асло ҳожати йўқ, албатта. Дунё, мутараққий давлатлар тажрибаси бир маъқулот(аксиома)ни бот ва бот исботламоқда: ҳар қандай ривожланиш, онг-шуур ҳамда тафаккурдаги буюк яратувчанлик истилоҳлари асосида таълим ва яна таълим ётади. Айнан таълим қалбдаги ва онгдаги интилиш, саъй-ҳаракатлар учқунини аланга олдиради. Иккинчи жаҳон урушидан мағлуб бўлиб чиққан, иқтисоди аброр аҳволга келган Япония бор маблағининг катта қисмини айнан таълим тизимига ташлаганини, натижада ўқитувчилар император обрўсига, депутат дахлсизлигига ва вазир маошига эга бўлганини эсланг. Ёинки, ҳаттоки табиий ресурсларга ҳам эга бўлмаган Сингапур Республикаси қирқ йил ичида энг қашшоқ ва коррупциялашган мамлакатдан жаҳонинг энг ривожланган давлатларидан бирига айланган сабабини сўраганларида 1959-1990 йиллари мамлакат бош вазири бўлган машҳур ислоҳотчи Ли Куан Ю берган жавобни эслаймизми: ***“Мен Ватаним олдидаги бурчимни бажардим, холос. Давлат бюджетини таълимга йўналтирдим, муаллимни энг қуйи табақадан энг юқори мартабага кўтардим. Сингапурдаги мўъжизаларни амалга оширган инсонлар – муаллимлар. Улар илм, ахлоқ, меҳнатни севадиган камтарин авлодни тарбияладилар. Бунинг учун улардан миннатдорман!”***

Демак, ***биз бугун вазирлик масъуллари маошини оддий ўқитувчи даражасига туширишдан эмас, оддий ўқитувчининг маошини вазирлик масъуллари даражасига етказишдан манфаатдор бўлишимиз керак.***

ТОР ЖОЙДА ГЎШТ ЕГАНДАН...

Яқиндагина юртимизда таълим соҳасида жуда катта ислоҳот амалга оширилди. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ягона Таълим ва илм-фан вазирлиги сифатида қайта ташкил этилди.

Хўш, бу янгилик биз кутган натижани берадими?

Албатта, беради, агар биз таълимни янги вазирлик ёки Президент иши сифатида эмас, умумхалқ иши сифатида қабул қилсак. Демак, миллат таълимидек масъулиятли вазифага ҳар биримиз озми-кўпми ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қилишимиз керак ва шарт. Бу жараёнда ўзимизнинг мулоҳазаларимиз, таклифларимизни баён этсак, янада яхши: кўпдан кўп ва хўб жўяли маслаҳатлар чиқади.

Дейлик, ***барчамиз яхши биламиз, бугун мактабларимизда синф хоналари етишмаслиги, борларида эса 40 тагача ўқувчи тиқилишиб сабоқ олаётгани муаммоси мавжуд.*** Элимиз бежиз тор жойда гўшт егандан, кенг жойда мушт еган яхши демайди. Бунинг устига, тан олайлик, ҳеч бир ўқитувчи 45 дақиқада 40 та болага дарс ўтиб улгуролмайди. Яхши дарс ўтиб, албатта. Демак, янги вазирлик мазкур муаммога жиддий эътибор қаратиши, давлат бюджетидан ҳар йили ажратилаётган улкан миқдордаги маблағнинг катта қисмини янги, замонавий мактаблар қуришга йўналтириши лозим.

Шу ўринда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларига ҳам бир таклифимиз бор эди. Маълумки, биз меценатлик деганда кўпроқ маданият ва санъатни ривожлантиришга қаратилган ҳомийликни тушунамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йилнинг 16 октябрида имзоланган ***“Меценатлик тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида мазкур атамага “меценатлик (меценатлик фаолияти) – маданият ва санъат, шунингдек, илм-фан, таълим, маърифат ҳамда маданият ва санъатни ривожлантириш билан боғлиқ бошқа фаолият соҳасида жисмоний ва юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган ҳомийлик фаолияти”*** дея кенг кўламли таъриф берилган. **Депутатларимиз мазкур қонунга қўшимча киритиб, меценатлик фаолияти билан шуғулланган ҳолда айнан давлат учун мактаб қуриб берган ҳомийлар, ташкилот ва муассасаларга сезиларли даражада солиқ имтиёзини жорий этса, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлаймиз** (дейлик, ҚҚСни олиб ташласа). **Чунки бу имтиёз давлат мактаблари сони ва шунинг баробарида сифати ошишига хизмат қилади.**

Рағбатнинг яна бир моддий эмас, маънавий кўриниши ҳақида тўхталиб ўтсак. АҚШнинг Теннеси штатида юз йилдан бери “қилт” этмай турган улкан ва узун кўприкдан ўтдик. Эътиборимизни тортган томони, ушбу кўприк қурилишига кўмаклашган ҳомийлар, оддий фуқаролар исм-шарифлари тошларга ўйиб ёзиб қўйилган экан.

Ўзиям абадий турадиган бу тошларга кўзлари тушганида, ўша саховатпеша инсонларнинг авлодлари роса ғурурланиб қўйишса керак. Биз ҳам мактаб қурилишига ҳисса қўшган саховатпеша юртдошларимизнинг савобли ишларини қайсидир шаклда бугун ва тарих саҳифаларига муҳрлашни йўлга қўйсак, шубҳасиз, уларнинг сафи кенгайиб бораверади.

Мактаблар кўпайсин. Ўқувчилар бир сменада эмин-эркин ўқишсин. Иккинчи смена эса фақат фанлар, ҳунармандчилик, санъат, спорт бўйича бепул тўгаракларга, кутубхонага бағишлансин...

Бугун биз сунъий интеллект ҳукмронлиги даврига қадам қўймоқдамиз. Энди ундан иҳоталанган ҳолда яшай олмаймиз. Қалбсиз, ҳиссиётсиз сунъий идрок таълим соҳасига ҳам шиддат билан кириб келмоқда. Бу кучга тенгма-тенг қарши тура оладиган битта қудрат бор. У ҳам бўлса Инсон қалби, инсоний ҳиссиётлар. Шу боисдан, КЎПЛАБ ФАНЛАРДАН СИ ЁРДАМИДА МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ ЎТА ОСОНЛАШИБ КЕТГАНИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА, АЙНАН ЎҚУВЧИ МАЪНАВИЯТИ ШАКЛЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ФАНИДАН СИНФДАГИ БОЛАЛАРНИ ИККИ ГУРУҲГА БЎЛИБ ЎҚИТИШНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ. Шўро даврида рус ва инглиз тилларидан шундай амалиёт қўлланиларди: синф ё гуруҳда 26 та ўқувчи ё талаба бўлса, шу фанларда 13 тадан икки гуруҳга бўлиниб, иккита кабинетда дарс ўтишарди. Ўйлаймизки, улуғ она тилимиз ва адабиётимизга бундай эътибор жуда тезликда ўзининг фавқулодда ижобий самарасини беради. Бу ўринда дунёнинг улуғ мутафаккирларидан бири айтган ҳикматни ёдга олиш жоиздир: ***“Мен математика факультетига ўқишга кираётган абитуриентлардан, албатта, иншо олиш тарафдориман”.***

Ниҳоят яна бир мулоҳаза. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида **“Давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлайди. Умумий ўрта таълим мажбурийдир”,** дейилган. Бироқ кейинги йилларда қўплаб давлат мактабларида тижорат синфлари пайдо бўлгани кишини ташвишга солади. Биз хусусий мактабларга қарши эмасмиз. Балки кескин рақобат шароитида бир кун келиб улар ўзларининг сўзларини айтишар. Аммо давлат мактабида ўқувчилар асло табақаланмаслиги лозим. Бунинг устига, **бюджет ҳисобига, демак, халқ пулига шу халқнинг фарзандларини ўқитаётган мактабнинг олий вазифаси ва бурчи пул топиш, қўшимча тижорат синфи очиш эмас, қиймати миллионлаб-миллиардлаб долларлардан ҳам ортиқроқ турадиган комил Инсон, Шахсни тарбиялаб етиштириш эканини унутмайлик. Янги вазирлик мутахассислари мазкур ҳолатга ҳам жиддий эътибор қаратадилар, деган умиддамиз.**

Илмда **“Дунё математик қонуниятларнинг амалдаги ифодасидир”** деган нуқтаи назар мавжуд. Бундай қарашда жон борлигига бир мисол: 1980 йили – ўша пайтдаги СССР Министрлар Советининг раиси Николай Рижковнинг ҳузурига келган бир гуруҳ олимлар ўзлари яратган математик модул совет иттифоқи ўн йилдан кейин барҳам топишини кўрсатаётганини айтишади. Табиийки, бу олимлар қаттиқ танқидга, ҳақоратга учрайди. Аммо тарих, мантиқ барибир ўз сўзини айтди...

Анча йиллар бўлиб қолди, хорижлик олимлар гуруҳи янги Ренессанс даврининг математик модулини яратишган. Унда халқнинг маърифатпарварлиги, фавқулодда иқтидорли шахслари билан бир қаторда турли соҳаларнинг даҳолари ҳам бўлиши кўрсатилган.

Ниятларимиз юксак. Истеъдодли халқмиз. Бироқ энди, янги замон шиддатига салоҳиятнинг ўзигина етарли бўлмай қолаяпти. Шоиримиз Эркин Воҳидов айтганидек, иқтидорлари етарли “Буюк элга энди даҳолар керак!”

Даҳолар бешиги эса, шубҳасиз, мактаб, мактаб ва яна мактабдир. Бу ҳаёт ҳақиқатини, юксалиш аксиомасини асло унутмайлик, унга оғишмай амал ҳам қилайлик. Шунда бемисл натижалар ҳам тез орада юз кўрсатиб қолажак. Шояд...

Бокий қадриятларимиз



ҚОРАБАЙИР ОТЛАРИ –

табиат мўъжизаси ва миллий мерос тимсоли

От – инсон ҳаётида энг қадимий ва садоқатли ҳамроҳлардан бири. Унинг туёқ товушида дала-даштларнинг шиддати, шамолнинг эркинлиги, аждодларимизнинг қаҳрамонлиги мужассам. Бугун ҳам ўзбек заминида отга меҳр билан қарайдиган, уни оддий чорва туёғи эмас, балки миллий қадрият ва наслчиликнинг ноёб бойлиги деб биладиган инсонлар кўп.

Оқдарё туманидаги Даҳбед қўрғонига борган киши ана шундай манзарага гувоҳ бўлади. Бу ерда кенг лалмикор майдонлар бағрида шамол билан беллашиб, эркин чопаётган қорабайир отлар кўзни қувонтиради. Улар орасида бақувват айғирлар, нозик қадам ташлаётган биялар ва келажакда тулпор бўлиши кутилаётган тойчоқлар бор.

Бу гўзал манзара ортида эса бир инсоннинг йиллар давомидаги меҳнати, отга бўлган беқиёс меҳри ва катта мақсади мужассам.

Даҳбед қўрғонилик Хуршид Қозоқов ана шундай отга меҳр қўйган инсонлардан. У бундан беш йил аввал 50 гектар лалмикор ер майдонида йилқичиликни йўлга қўйди. Ўша пайтдаги кичик фермерчилик тармоғи бугун катта хўжаликка айланиб бормоқда. Айни пайтда бу ерда 40 бош наслли от парвариш қилинмоқда.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси аъзоси

ОТГА МЕҲРДАН БОШЛАНГАН ИШ

– Отга болалигимдан меҳрим баланд. Бу ҳайвоннинг нафақат ташқи кўриниши, балки зукколиги, чидамлилиги ва инсонга содиқлиги мени доимо қизиқтириб келган. Шу боис йилқичилик билан шуғулланишга қарор қилдим, **– дейди Хуршид Қозоқов.**

Бу хўжаликда отлар шунчаки кўпайтириш учун эмас, аввало, наслчилик йўналишида, саралаш ва зот сифатларини яхшилаш мақсадида парваришланмоқда.

Бунинг учун отларни танлаш, уларнинг наслини ўрганиш, жисмоний кўрсаткичларига эътибор қаратиш, озиқлантириш ва парваришлаш жараёнларига алоҳида масъулият билан ёндашилади.

Хуршид Қозоқовнинг айтишича, отларнинг бир қисми Қирғизистондан олиб келинган. Улар маҳаллий шароитга мослаштирилиб парваришланмоқда. Асосий мақсад эса келгусида бақувват, чидамли ва юқори насл хусусиятларига эга отлар етиштириш.

Ўзбекистонда йилқичилик ва от спортини ривожлантиришга кейинги йилларда давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Президентнинг 2019 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спортини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида Қорабайир зотли отларни етиштириш ва кўпайтириш, селекция-генетика ишларини ривожлантириш каби муҳим вазифалар белгиланган.

Шунингдек, 2021 йил 11 мартдаги қарор билан йилқичилик, наслчилик ва от спортини янада ривожлантириш, маҳаллий зотдор отларни кўпайтириш, селекция ишларини такомиллаштириш бўйича қатор вазифалар белгиланди. Ҳужжатда хориждан наслли ва тоза қонли отларни олиб келиш орқали зотдор отлар сонини кўпайтириш ҳам назарда тутилган.

Президентнинг 2021 йил 5 августдаги қарори билан эса Ўзбекистонда йилқичилик, от спорти, замонавий бешкураш ва полони ривожлантириш давлат дастури тасдиқланди. Унда миллий меросимиз бўлган Қорабайир зотли отлар ҳақида ҳужжатли фильмлар тайёрлашгача бўлган вазифалар белгиланган.

Демак, Даҳбеддаги бу кичик хўжаликдаги меҳнат мамлакатимизда йилқичиликни ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли саъй-ҳаракатларнинг бир бўлаги десак, муболаға бўлмайди.

ДАҲБЕДДАГИ ХАЗИНА

Даҳбед қўрғони атрофидаги лалмикор майдонлар отлар учун табиий муҳит яратиб беради. Кенгликда эркин ҳаракатланган отнинг қомати, қадами, нафаси ҳам бошқача.

Тонг саҳарда қуёш нурлари ер бағрини илита бошлаганда, қорабайирларнинг узоқдан эшитилган туёқ товушлари дала сукутини бузади. Бири бошини баланд кўтариб, атрофга разм солади, яна бири чопиб келиб, уюрга қўшилади. Бу манзарани кузатган киши табиат ва инсон меҳнати уйғунлашганига гувоҳ бўлади.

Хуршид Қозоқов учун эса бу оддий манзара эмас.

У ҳар бир отнинг ҳолидан хабар олади, уларнинг парваришига, озиқланишига ва соғлом ўсишига эътибор қаратади. Чунки йилқичиликда натижа бир кунда кўринмайди. Бу соҳа сабр, билим ва йиллар давомидаги меҳнатни талаб қилади.

Наслчилик – бу бугун учун эмас, эртанги кун учун қилинадиган меҳнат. Бугунги тойчоқнинг қандай тулпор бўлиб етишиши эса унинг насли, парвариши ва унга берилган меҳрга боғлиқ.

– Биз имкониятлардан унумли фойдаланиб, отлар наслини яхшилашни асосий мақсад қилиб олганмиз. Қирғизистондан наслли отларни олиб келиб, шу ерда парваришлаяпмиз. Келажакда уларни янада кўпайтириш, сифатли насл олиш ва йилқичиликни янада ривожлантириш ниятимиз бор, – дейди Хуршид Қозоқов.

Дарҳақиқат, бу ниятнинг замирида катта орзу бор.

Бугун 40 бош отдан иборат хўжалик эртага янада кенгайиши, янги наслли тулпорлар етишиб чиқиши, Самарқанд заминида етиштирилган отлар мамлакатнинг бошқа ҳудудларида ҳам танилиши мумкин.

Энг муҳими, бу жараён миллий йилқичилик анъаналарининг давомийлигини таъминлайди.

ТУЛПОРЛАР АВЛОДИ ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбек халқининг тарихига назар ташласак, от ва чавандозлик маданияти халқимиз ҳаётида алоҳида ўрин тутганини кўрамиз. Алишер Навоий асарларидаги тулпорлар, Амир Темур давридаги отлиқ қўшинлар, халқ оғзаки ижодидаги қанотли отлар ҳақидаги достонлар – буларнинг барчаси отга бўлган муносабатимиз нечоғли қадимий эканини кўрсатади.

Бугун ана шу анъаналар замонавий йилқичилик, селекция ва наслчилик ишлари билан уйғунлашмоқда.

Даҳбеддаги 50 гектарлик майдонда чопиб юрган қорабайирлар ҳам ана шу узоқ тарихнинг бугунги давомидек. Уларнинг ҳар бирида – табиатнинг мўъжизаси, инсон меҳри ва келажакка бўлган ишонч мужассам.

Қорабайирлар шамолни ёриб чопар экан, гўё дала-даштларга бир хабарни етказаётгандек.

Тулпорлар авлоди давом этади.

Бу авлодни асраш, унинг наслини яхшилаш ва келажакка етказиш эса Хуршид Қозоқов сингари йилқичиликка меҳр қўйган инсонларнинг эзгу мақсадидир.

---

13 декабрь – шоир таваллуд топган кун

УСМОН НОСИР ИЗЛАРИ:

тарихий ҳақиқат ва авлодлар хотираси

Шоир тақдири билан боғлиқ номаълум саҳифаларни ўрганиш, тарихий ҳақиқатларни тиклашда **журналист-тадқиқотчи Раҳимжон ИРИСОВ**нинг кўп йиллик изланишлари алоҳида аҳамиятга эга. Унинг саъй-ҳаракатлари билан Усмон Носирнинг Намангандаги туғилиб ўсган хонадони аниқланган. Тадқиқотчи қаламига мансуб «Ўзбекнинг Лермонтови» ва «Шеърият дийдасида қотган ёш» китоблари ҳамда шоир хотирасига бағишланган музейни ташкил этишдаги иштироки ҳам эътирофга лойиқ.





Шоирнинг онаси Холамбиби билан яшаган хонадони жойлашган Наманган шаҳридаги «Амир Темур» маҳалласида, 22-сонли умумтаълим мактаби ёнида Усмон Носир хотираси билан боғлиқ маскан ташкил этилган.

Шунингдек, шоирнинг жияни Нодира Рашидова қаламига мансуб «Усмоннома» тарихий роман-дилогияси ҳам адиб ҳаёти ва фожиали қисматини бадиий талқин этишда муҳим асардир. Икки китобдан иборат мазкур асар 2022 йилда «Pharos Ambition» нашриётида чоп этилган.

УСМОН НОСИР

Жим!.. Уфқдан ботар қуёшни
Шарт кесилган бошга ўхшатдим.
Парча-парча куйган шафақлар
Тирқираган қонни эслатди!

Қандай қўрқинч! Қандай қабоҳат!
Мумкин эмас ҳеч қийналмасдан!
Ақлдан озганми муҳаббат?
Мумкин эмас, қарши турмасдан!

Мумкин эмас, эй, олий жаноб,
Неча юракни айлаб хароб.
Шоҳона тож кийган муҳаббат,
Мумкин эмас! Қандай қабоҳат!

Ки, одамнинг ўзигинамас,
Ҳиссини ҳам хароб қилса давр!
Қийналаман!.. Юракда ҳовур...
Бу — қаршилик! Йўқ! Гина эмас.

Бу — қаршилик! Кўринг тарихни.
Умр тепасида мушт туйган...
Қийналаман виждон билан ман,
Мумкин эмас, қарши турмасдан!

Ўз зиммамга катта иш олдим:
Эҳтимолки, тамом қилмасдан –
Умрим тугар. Аммо, бўлмайди
(Кўнглим ўрнига ҳеч тушмайди).
Сенга қарши бош кўтармасдан
Асрларни йиғлатган севги!!!

1933 йил

Мулоҳаза

Нега ясама сўзларни ЎЗЛАШТИРИШ ҚИЙИН?

Кўпчилигимиз она тили, математика, физика ёки кимё каби асосий фанларни ўрганишда маълум бир тўсиқларга дуч келганмиз.

Моҳигул ҚУРОЛОВА,
ЎзЖОКУ магистранти

Кўп ҳолларда мураккаб қоидалар, узундан-узоқ таърифларни ёд олардигу, асл мазмунини тушуниш, ҳаётий мисолларда кўра билиш ёки амалда қўллашга келганда қийналардик. Натижада ушбу фанлар бизга имтиҳондан ўтиш учунгина керак бўлган воситага айланган.

Айнан шу ҳолатни мактаб ўқувчиларининг тил таълимида, хусусан, грамматика ва сўз ясалиши мавзуларини ўзлаштириш жараёнида ҳам яққол кўриш мумкин. Биламизки, тил – тафаккур кўзгуси, буюк маънавий бойликдир. Соҳа таълимининг асосий вазифаси ҳам ўқувчига тил ҳодисаларини шунчаки ёдлатиш эмас, балки уларни чуқур англатиш, сўзларнинг ички тузилишини таҳлил қилиш ҳамда улардан нутқда ўринли фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Бу жараёнда сўз ясалиши ҳодисасини ўзлаштириш алоҳида ўрин тутади. Чунки у ўзак ва қўшимчалар ўртасидаги нозик муносабатни ҳис этиш, ясама сўзларнинг маъно моҳиятини очиш имконини беради.

Бироқ ҳозир ҳам ўқувчиларнинг туб ва ясама сўзларни фарқлашида оқсоқликлар мавжуд. Мазкур муаммонинг келиб чиқиши илмий ва методик жиҳатдан бир неча омиллар билан боғлиқ. Биринчидан, синхрон ва этимологик ёндашувлар ўқув жараёнида аниқ фарқланмайди. Иккинчидан, мактаб дарсликларида сўз ясалишига оид назарий маълумотлар қисқа берилиб, кўпинча сўз туркумларини ўрганиш давомида тарқоқ ҳолда учрайди. Натижада ўқувчида сўз ясалиш тизими ҳақида яхлит тушунча шаклланмайди

Дейлик, “ишчи”, “ишсиз”, “ишчан” сўзлари мисолида кўрайлик: бу ерда **“иш”** – сўзнинг асоси (ўзаги) бўлиб, унга қўшилган **-чи, -сиз, -чан** қўшимчалари орқали янги маънодаги ясама сўзлар ҳосил бўлмоқда. Агар ўқувчи ўзак ва қўшимчанинг маъно фарқини ҳис қилмаса, ҳар қандай қўшиб ёзилган сўзни ясама деб адашади. Ёки яна бир оддий мисол: **“туз”**дан **-ли** қўшилиши орқали **“тузли”** (ясама сўз) ясалади. Бола мана шуни тушуниб етишида интерфаол методлар керак.

К.Қосимова ва ҳаммуаллифларнинг “Она тили ўқитиш методикаси” дарслигида бу жараённи ҳар бир синфда босқичма-босқич – сўз ва ўзак маъносидан тортиб, то сўз ясовчи қўшимчалар орқали маъно ўзгаришларигача етказиш зарурлиги кўрсатилган. М.Фаттуллаева, М.Султонова ва М.Шараповаларнинг илмий мақолаларида эса моделлаштириш, “Кластер”, “Ақлий ҳужум” каби интерфаол методлар ҳамда схемалардан фойдаланиш ўқувчиларнинг фикрлашини юксалтириши таъкидланган.

Юқоридаги таҳлиллар асосида 5–7-синфларда сўз ясалишини ўргатишни такомиллаштириш учун сўзларни морфемик таҳлил қилиш, туб ва ясама сўзларни ҳаётий мисолларда таққослаш, сўз ясовчи қўшимчаларни вазифасига кўра гуруҳлаш ҳамда муаммоли топшириқлар бериш мақсадга мувофиқдир. Бундай изланишга асосланган таълим орқали ўқувчи тайёр қоидани ёдловчи эмас, балки тил ҳодисаларини ўз мушоҳадаси билан тушуниб етадиган фаол иштирокчига айланади.

ADOLAT
Муассис: “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ, Қодир ЖЎРАЕВ
Наримон УМАРОВ, Озода ПАРПИБОЕВА
Муҳаммад АЛИ, Тошпўлат МАТИБАЕВ
Гавҳар АЛИМОВА, Абдукамол РАҲМОНОВ
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Собир ТУРСУНОВ

QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

Котибият – 71 288-42-14 (144); 95 096-07-75
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

ISSN 2091-5217

Навбатчи муҳаррир – Илҳомжон Абдусаломов
Масъул котиб – Абдуғани Содиқов

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани “Шарқ тонги” кўчаси, 23-уй.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 1101

Адади – 4 005
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10

Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.